

## ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Мирахмедов Жахонгир Мирхонович

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори

[umarjafariroda@mail.ru](mailto:umarjafariroda@mail.ru)

***Аннотация:** хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолияти йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирлар, содир этилган хуқуқбузарлик юзасидан киритиладиган тақдимномага қўйиладиган талаблар, хуқуқбузарликларнинг элементлари, сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар таҳлилидан келиб чиқиб назарий-хуқуқий ва амалий таклиф-тавсиялар муҳокама қилинган.*

***Калит сўзлар:** хуқуқбузарлик, хуқуқбузарлик профилактикаси, хуқуқбузарлик профилактика субъектлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.*

“Агар сиз ўз мақсадларингиз ва орзуларингизга эришмоқчи бўлсангиз, буни интизомсиз амалга оширолмайсиз” Ли Куан Ю.

Маълум бир мақсадга эришиш учун албатта интизом, маълум бир тартиб-қоида мавжуд бўлиши лозим.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан доимий равишда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорликда босқинчилик профилактикаси объектлари рўйхатини шакллантириб, шахсларнинг маиший-турмуш шароити билан танишиб борилишини, шунингдек бу тоифа шахслар томонидан босқинчилик жинояти содир этилиш сабаблари, содир этилишига имкон бераётган шароитларни мунтазам равишда **ошкора** ёки **ноошкора** усулда ўрганиб бориб бартараф этилишини тўлиқ назоратга олиб, мувофиқлаштириб боришлари лозим.

Маълумотларни ўрганиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

### 1. Маълумот тўплаш:

–кўчабоши (уйбоши), маҳалла фаоллари, қўни қўшнилардан оғзаки, ёзма ва электрон шаклларда маълумот олиш орқали;

–хонадонга ташриф буюриб шахс ва унинг оила аъзолари билан суҳбат ўтказиш орқали;

–ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг иш жойи, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ФХДЁ, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларидан маълумот олиш орқали;

–ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан сўровнома орқали.

**2. Маълумотларни таҳлил жараёнида** алоҳида эътибор қаратилади:

–шахсларнинг маиший-турмуш тарзига;

–хулқ атвори (қизиқиши, дунёқараши, руҳияти, зарарли одатлари ва б.);

–оила аъзолари ва яқин танишлари (алоқалари) билан ўзаро муносабатлари;

–махаллада тутган ўрни ва атрофдагилар (қўшнилар) билан муносабатлари;

–бирор бир иш билан машғуллиги, ишининг мазмуни;

–ишга ва иш жойига нисбатан муносабати;

–севимли машғулоти.

**3. Шахс фаолиятида юз бераётган ўзгаришларни** кузатиш:

-оила аъзолари билан муносабатда низолар кузатилмадими?

-қўшнилар билан муносабатда зиддиятлар кузатилмадими?

-нотаниш кишилар билан муносабатида ортиқча муаммолар мавжудми?

-моддий-молиявий муҳтожлик сезганда муаммо кузатиладими?

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги – профилактик тадбирлар қаратилаётган объектлар тўғрисидаги маълумотлар ишончилиги, тўлиқлиги ва аниқлигига кўпроқ боғлиқдир. Бунинг учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, шунингдек натижалари юзасидан хулосалар ишлаб чиқишга оид фаолиятни тўғри ташкил этиш керак.*

Ҳуқуқбузарликларнинг элементлари, сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги назарий-ҳуқуқий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш мумкин.

## **НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАКЛИФ.**

1. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун (тушунчалар,вазифаларга тааллуқли) ва ЖПКга (тақдимнома) ўзгартириш киритиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш.

2. Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ХМҚО ва бошқа идораларнинг фаолиятлари механизми, алгоритми ва тактикасини белгиловчи “Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қўшма қарор ва низом ишлаб чиқиш.

Низомда қуйидаги зарурий чора-тадбирларни киритиш лозим:

### **Ички ишлар органларининг тезкор хизмати:**

- Тайёрланаётган, режалаштирилган хуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар тўплаш
- Тайёрланаётган, режалаштирилган хуқуқбузарликларни бартараф этиш
- Фош этилмаган хуқуқбузарликларни фош этиш
- Қидирувдаги жиноятчиларни қўлга олиш

### **Фаолият 2 босқичда амалга оширилади**

#### **1. маълумот тўплаш:**

- хуқуқбузарликларни содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар;
- хуқуқбузарликларни содир этишни режалаштирган ва тайёргарлик кўраётган шахслар;
- қидирувдаги жиноятчиларни аниқлаш, ошкора ва ноошкора манбалар орқали тўлиқ ва аниқ маълумотлар тўплаш.

#### **2. амалий тезкор қидирув тадбирлар:**

- хуқуқбузарликларни содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитларни бартараф этиш;
- режалаштирилган ва тайёргарлик кўриляётган хуқуқбузарликларни олдини олиш;
- хуқуқбузарликларни фош этиш;
- қидирувдаги жиноятчиларни қўлга олиш.

*Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2012 йилдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасида кўрсатиб ўтилган тезкор-қидирув тадбир турларидан бошқа турдаги тадбирларни ўтказиши таъқиқланади.*

### **Пост патруль хизмати ходимлари:**

- *жамоат тартибини сақлаш*
- *аҳоли билан тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш*

**Фаолият 3 босқичда амалга оширилади:**

таҳлил қилиш	тақсимлаш	амалий тадбир
хуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган худудларни аниқлаш ва таҳлил қилиш	жамоат тартибини сақловчи мавжуд куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш	бириктирилган худудда жамоат тартибини сақлаш ва тарғибот-ташвиқот олиб бориш

**Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари**

- профилактик ҳисобга олинган, муқаддам судланган ва маъмурий назоратда бўлган шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказиш
- хуқуқбузарликлар, қидирувдаги шахслар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва тегишли хизматларга етказиш

**Фаолият 3 босқичда амалга оширилади**

маълумот тўплаш:	амалий фаолият:	маълумот етказиш:
– хуқуқбузарликнинг сабаб ва шарт-шароитлари; – муқаддам судланган (жиноят содир этишга мойил бўлган), жабрланув-чи (мойил) шахсларнинг рўйхатини шакллантириш ва улар ҳақида маълумот тўплаш.	– профилактик ҳисобда турган шахслар; – маъмурий назоратда турувчи шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказиш.	хуқуқбузарлик бўйича маълумотларни жиноят қидирув хизматига етказиш.

**Пробация хизмати**

- жазо ўтаётган маҳкумларни кунлик назорат қилиш
- жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга нисбатан оғирроқ жазо турига алмаштириш чораларини кўриш

**Фаолият 3 босқичда амалга оширилади**

назорат қилиш:	аниқлаш:	амалий тадбир:
жазо ўтаётган ҳар бир маҳкумни тайинланган жазони тўлиқ ўташини таъминлаш	жазони ўташ тарти-бини бузиб келаёт-ган ва тузалиш йўлига ўтмаган маҳ-кумларни аниқлаш	тартиб бузган маҳкум-ларга жазо турини оғирроққа алмаштириш чораларини кўриш

**Тергов идоралари:**

- юритувдаги жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида жиноят содир этган барча шахсларнинг айблилигини исботлаш, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш

- жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш, қайта содир этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан тақдимномалар киритиш

- тақдимномалар ижросини таъминланишини назорат қилиш

**Хуқуқбузарлик юзасидан киритиладиган тақдимномага қўйиладиган талаблар.**

1. Жиноят содир этилишига сабаб бўлган омилар: субъект ва субъектив сабаблари (айбланувчининг ижтимоий-иқтисодий, оилавий аҳволи ва ҳ.к.)

2. Жиноятни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва объектив сабаблари (ёриткичлар ўрнатилмаганлиги, кузатув камералар мавжуд эмасли-ги, жамоатчилик назорати ўрнатилмаганлиги ва ҳ.к.)

3. Жабрланувчиларнинг виқтимлиги (ёлғиз яшовчилар, қариялар, аёллар, оғир аҳволдагилар, мулки ва ўзи ҳақида маълумотларни ошкор қилувчилар, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар ва ҳ.к.)

4. Аниқланган сабаб, шарт-шароитларни бартараф этиш ва келгусида жиноятларни содир этилишининг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар (хавф гуруҳи остидаги шахслар билан тегишли ишлар олиб бориш, манзилли тарғибот ишларини олиб бориш, ишсизликнинг олдини олиш, объектив сабабларни бартараф этиш)

5. Жиноятларни содир этилишига сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этмаган, юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаган мансабдор шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш чораларини кўриш

6. Тақдимноманинг ижросига масъулиятсизлик билан ёндашиб, юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаган мансабдор шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш чораларини кўриш

**Терговчи (суриштирувчи)ларга эслатма:** юритувдаги терговга қадар текширув ҳужжатлари бўйича ҳам шу йўсинда тақдимномалар киритишлари ва келгусида жиноят содир этилишининг олдини олиш чораларини кўришлари лозим.

## АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Хуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўйича қатор комплекс тадбирлар ўтказилиши лозим

### **1. Спорт тўғарақларида, айниқса яқка кураш ва оғир атлетика спорт турлари билан шугулланувчи ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ўтказиш.**

*Хуқуқбузарликлар мунтазам спорт билан шугулланувчи, маълум даражада жисмонан бақувват, зўравон ва тажовузкор феъл-атвордаги ёшлар томонидан содир этилаётганлиги аниқланган*

Мазкур соҳа бўйича тегишли норматив ҳужжатларини таҳлил қилиш ҳамда масъул вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари билан ўтказилган учрашувлар жараёнида, бу тоифадаги шахслар билан алоҳида хуқуқбузарлик профилактикасини амалга ошириш бўйича ягона чора-тадбирлар дастури мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Хуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўйича хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари жисмоний тарбия ва спорт, халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда қуйидаги комплекс тадбирлар ўтказиши лозим:

- *Спорт мураббийлари ва инструкторларини тарбия остидаги ёшлар билан хуқуқбузарлик профилактикаси тадбирларини ўтказишнинг тартиби ва қоидаларини ўргатиш мақсадида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш;*

- *Мураббий ва инструкторлар учун тарбия остидаги ёшлар билан хуқуқбузарлик профилактикаси тадбирларини ўтказишнинг тартиби ва қоидаларини акс эттирувчи Йўриқнома ишлаб чиқиш;*

- *Спорт тўғарақларида шугулланувчи ёшлар томонидан турли вазиятларга тушиб қолган вақтида зарурий муодофаа чегарасидан чиқмаслик, қобилиятини зўравонлик ва жиноятга йўналтирмасликни тарғиб қилувчи ён дафтарча (ахлоқ-қоидалар этикаси) ишлаб чиқиш;*

- *Спорт тўғарақларида хуқуқбузарлик профилактикасига оид, ш.ж. ҳаёт ва соғлиққа қарши, ўзгалар мол-мулкини талон-тороғ қилиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги баннерларлар ўрнатиш;*



- Спорт тўғарақларида шуғуланувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил, айниқса ёшларни тезкор йўллар билан аниқлаб, улар билан яққа профилактика тадбирларини ўтказиш.

## **2. Замоनावий ахборот-коммуникация технологиялардан кенг фойдаланиш**

Видеокузатув камералари нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга жинойтчиларни аниқлашга, балки жинойт содир этишга мойил шахсларни ўз фикридан қайтаришга ҳам хизмат қилади. Хусусий сектор ҳисобидан камералар ўрнатиш, ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда.

Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш мақсадида замоनावий ахборот-коммуникация технологияларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш бўйича қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

➤ ҳудуддаги кўчалар, савдо шаҳобчалари, жамоат транспортлари ва бошқа жойларга **видеокузатув мосламаларини** ўрнатиш ва интеграция қилиш чораларини кўриш. Бу тадбирлар жинойтлар содир этилишини олдини олиш ва ҳуқуқбузарларни доимий равишда кузатиш имконини беради;

➤ **“Профинспектор” электрон дастури**ни барча ҳудудларда жорий қилинишини таъминлаб, унинг мобил иловасини ҳуқуқбузарликлар профилактикасига масъул идоралари ходимлари билан биргаликда ўзларининг фаолият йўналишлари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг ҳудуд ва секторлар бўйича масъул ходимларини улаш;

➤ хонадон ва савдо шаҳобчаларини **қўриқлаш пултларига** тўлиқ улаш чораларини кўриш;

➤ кўздан пана бўлиш мумкин бўлган жойларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш. Бу жинойтчиларнинг жинойт содир этилгунга қадар ёки ундан кейин яшириниш имкониятини камайтиради;

➤ юқори хавф мавжуд бўлган объектларда кечалари **ёритилишини** таъминлаш. Бу ҳуқуқбузарларнинг аниқланишини осонлаштиради;

➤ пиёдаларнинг **ҳаракатланиш йўлини** ўзгартириш. Бу уларнинг хавфли ҳудуддан четда ҳаракатланишларини таъминлайди;

➤ **эвакуация йўллари**ни бартараф этиш. Бу жинойтчиларнинг маълум бир жойдан қочиб кетмасликларига ёрдам беради, бироқ фавқулодда ҳолатлар вақтида кишиларни эвакуация қилишни қийинлаштиради;

➤ фавқуллода **қўнғирок** **станцияларини** ўрнатиш.  
Бу гумонланувчиларнинг тезда қўлга олинишига ёрдам беради;  
➤ махсус тадбирлар ўтказилишини режалаштириш ишларини такомиллаштириш. Бу босқинчилик имкониятини пасайтиради.

### **3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг аҳоли билан ҳамкорлигини жадаллаштириш**

*Жаҳон тажрибаси патруль хизматининг фаолияти жиноятларни сезиларли даражада камайишига сабаб бўлишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг ҳудуд профилактика инспекторини танимасликлари, профилактика инспекторининг ҳудуддаги вазиятдан тўлиқ хабардор эмаслигига сабаб бўлади.*

Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг аҳоли билан ўзаро ахборот алмашинуви ва ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш мақсадида қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

❖ жамоат жойларида кундузги ва тунги **патруль хизматларини** тўлиқ ташкил этилишини таъминлаш ва криминоген вазият таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда куч-воситаларни манзилли йўналтириш чораларини кўриш;

❖ аҳоли гавжум жойларда ички ишлар ходимлари навбатчилик қиладиган **стационар пунктларни** ташкил этиш;

❖ хусусий сектор (фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари) ўртасида мунтазам равишда жиноятларни содир этилишининг олдини олишга қаратилган “Менинг маҳалламда жиноят содир этилмайди”, “Ўз уйингни ўзинг асра” шиори остида **тарғибот-ташвиқот** ишларини олиб бориш;

❖ фойдаланувчилар учун профилактика инспекторлари ишларини баҳолаш ва ўзларининг изоҳларини қолдириш, яқин ҳудудларда жойлашган ички ишлар таянч пунктлари ёки бошқа тезкор хизматлар билан шошилиш алоқа ўрнатиш учун “SOS” тугмасидан фойдаланиш ҳамда шаҳар ИИБдаги расмий “Telegram bot”ларга мурожаатларни юбориш каби имкониятларни берувчи **“Хавфсиз ҳудуд”** мобил иловасини барча ҳудудларда ишга туширилишини таъминлаш;

❖ мобил телефонидаги “Telegram” дастури орқали ҳар бир маҳаллада **“Telegram-bot” канали** очиб, бунга кенг жамоатчиликни жалб қилиш (МФЙ, ТП, ўқув муассасалари ва бошқа ташкилотларда туманда яшовчи аҳолининг уяли алоқа рақамларини аниқлаб, уларни бир томонлама ижтимоий тармоққа улаш), кунлик содир этилаётган жиноятлар ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш



борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маҳалла аҳолисини хабардор қилиб бориш;

#### **4. Ҳуқуқбузарликлар қурбонлари билан ишлаш ва виктимлик даражасини пасайтириш чораларини кўриш**

Таҳлиллар жараёнида, ҳуқуқбузарликларнинг қурбонларига асосан фуқароларнинг жиноят содир этишга ундовчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари (*бепарволик, мақтанчоқлик, моддий аҳволини намойиш қилиш, кечки вақтларда қимматбаҳо буюмларни таққан ҳолда назоратсиз кўчаларда юриш ва ш.к.*) сабаб бўлаётганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, жиноят қурбонлари содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига хабар бермасликлари оқибатида жиноятларни фoш этиш ва жиноятга қарши курашда маълум қийинчиликлар туғдиради.

Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш мақсадида жиноят қурбонлари билан ишлаш ва виктимлик даражасини пасайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

✓ аҳоли ўртасида кенг қўламли фуқароларни жиноятлардан ҳимоя қилишга қаратилган **ахборот кампанияларини** ўтказиб бориш (тушунтириш ишларини олиб бориш, эълонлар ва эслатмалар тарқатиш, ОАВ ва интернет орқали видеороликлар намойиш этиш);

✓ фуқароларнинг жиноят содир этишга ундовчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари (*бепарволик, мақтанчоқлик, моддий аҳволини намойиш қилиш, кечки вақтларда қимматбаҳо буюмларни таққан ҳолда назоратсиз кўчаларда юриш ва ш.к.*) ҳақида кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

✓ ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни **тезкор-тергов ҳаракатларида** иштирок этишларини, тергов натижасидан хабардор бўлиб туришларини таъминлаш;

✓ хонадонларда ёлғиз яшовчи кекса ёшдаги, ожиз аҳволдаги ногирон шахсларга хизмат кўрсатувчи туман ижтимоий таъминоти ва тиббиёт муассасалари вакилларининг **фаолияти назоратини** кучайтириш;

✓ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида шубхали шахслар ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича зудлик билан кўриқлаш хизмати тизимларига хабар берувчи **тезкор чақирув тугмаларини** ўрнатилишини таъминлаш;

✓ ломбардларга ва ёйма бозорларга, шунингдек аҳолидан маиший ва компьютер техникаларини (ш.ж.уяли алоқа воситалари) сотишга кўп товар олиб келаётган, қизиқиш уйғотиш эҳтимоли бўлган шахслар ҳақида **маълумотларни тезкор йўллар** билан тўплаш тизимини жорий этиш;

### **5. Аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятига ёрдам бериш маданиятини шакллантириш ва фуқаролик позициясини кучайтириш**

*Аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар гувоҳлари жабрланувчиларга ёрдам кўрсатмайдилар ёки бу ҳақда хабар бермайдилар*

Гувоҳларнинг фаол позицияси босқинчиларни ўз вақтида аниқлаш, жабрланувчи учун оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш мақсадида, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари фаолиятига ёрдам бериш маданиятини шакллантириш ва фуқаролик позициясини кучайтириш бўйича қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

- ҳуқуқбузарликлар гувоҳи бўлганда ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар бериш муҳимлиги тўғрисида **“Бефарқ бўлма”**, **“Қўшни кузатуви”** шиори остида ахборот-ташвиқот ишларини олиб бориш, рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш. Бу нафақат мурожаат сифатида, балки интернет сайтларга видеороликлар ва мурожаатларни ўрнатиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин;

- **“Жиноий йўл билан топилган мулкни сотиб олиш, жиноятга шерик бўлиш демакдир!”** шиори остида ахборот-тарғибот кампанияларини ташкил этиш. Унда видеороликлар, буклетлар, реклама банерларидан кенг кўламда фойдаланиш;

- **Фаол фуқаролик позицияси** ҳурмат ва эътирофга сазовор бурч сифатида талқин этилиши лозим

- ҳуқуқбузарликлар гувоҳлари билан тергов идораларининг ҳамкорлигини ошириш, уларнинг шахсий вақтларига ва ўзларига ҳурмат билан муносабатда бўлинганлиги, гувоҳларни тергов натижаси ва ходимларнинг фаолияти ҳақидаги фикрларини ўрганиш орқали ходимларга **танқидий баҳо бериш** тизимини жорий қилиш.

## **6. Вояга етмаган ва ёшлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш, ёши катталар билан уларнинг мулоқотини мустаҳкамлаш**

*Ёши катталарнинг вояга етмаган ва ёшлар билан ўзаро ишончли муносабатининг мавжуд эмаслиги, уларни жинойят йўлига кириб қолишига сабаб бўлади*

Вояга етмаган ва ёшлар ўртасида босқинчилик жинойтларини профилактика қилиш мақсадида, уларни касбга йўналтириш, спорт секцияларига жалб этиш, билим олиш ва китобхонликка қизиқтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

➤ ўқувчи ва ёшларни жамоат ишларига жалб қилиш ва рағбатлантириш, китобхонликка, спорт тўғаракларига, мусиқа ва санъатга, инновацион технологиялар кашф қилишга қизиқтириш;

➤ ота-оналар қўмиталарининг мактабларда ўтказиладиган оммавий маданий тадбирларни ташкил қилишда иштирокларини тарғиб қилиш;

➤ педагоглар томонидан фарзандлари билан тўғри мулоқот қилиш, уларнинг муаммо ва қийинчиликларини эшита билиш маданиятини ўргатиш бўйича психологларни жалб қилган ҳолда ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида учрашувлар ўтказиш;

➤ мактаб, ўқув юртларида босқинчилик жинойти профилактикасига оид видеороликлар намойиш этиб бориш, реклама баннерларидан кенг қўламда фойдаланиш;

➤ миллий қадриятларимизни тиклаш, аجدодларимизнинг “Бир болага етти қўшни ота-она” нақлининг том маънода ҳаётга қайта татбиқ этиш, ушбу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш;

➤ тарбиявий таъсир қилиш барча асосий соҳалари ва манбаларидан тўлиқ фойдаланиш, жумладан оила, мактаб, иш, ўқиш жойларида, жамоат ташкилотларида мунтазам тушунтириш ишларини амалга ошириш;

➤ дорихоналарда, спиртли ичимликлар, сигареталар, автомашина карбюратор тозалагичи, хидли елим (клей) ва захарванд шахслар томонидан истеъмол қилинадиган бошқа нарсалар сотувчи шахобчаларда бундай турдаги маҳсулотларни вояга етмаган шахсларга сотмасликлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш.